



БИРИНЧИ УЙҒОНИШ ДАВРИДА ИБН СИНОНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Бобомурод Рамазонали ўғли¹

Бозорбоева Мохирахон Шавкатбек қизи²

¹Андижон Давлат Университети жисмоний маданият факултети ўқув ишлари бўйича зам декан Жўраев

²Андижон Давлат Университети қошидаги Педагогика институти магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6529373>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01- may 2022

Ma'qullandi: 10- may 2022

Chop etildi: 15- may 2022

KALIT SO'ZLAR

Ренессанс, ижтимоий-фалсафий, Мовароуннахр, Хуросон, Китоб аш– шифо.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ренессанс – Уйғониш даврининг мазмун-моҳиятига тўхталар экан, ўзининг “янги Ўзбекистон стратегияси” китобида “Айни пайтда халқлар тарихида ўзига хос туб янгилашниш давлари борки, бундай замонларда муаян миллат даҳоси, унинг ўз салоҳиятини намоён этишга интилиши, яратувчанлик фаолияти энг юксак чўққиларга кўтарилади шу каби фикр долзарб муаммолар кўтарилган.

Айни бир халқ салоҳиятининг улкан натижаси бўлган бу каби оламшумул ютуқлар эса, инсоният тарихининг ёрқин саҳифаларига айланади, дунё цивилизацияси тараққиётiga катта туртки беради.

Ер юзидаги баъзи халқларгагина насиб этадиган бундай юксак кўтарилиш ва тараққиёт замонларини ўзига хос Уйғониш, яъни Ренессанс даври, деб аталишининг сабаби ана шунда”¹ деб қайд этган эди.

Уйғониш давридаги ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиёти натижасида оламни англашнинг шу даврга қадар амал қилган методлари ўрнига, илмий ва экспериментал методлари қўллана бошлади. Жамиятнинг илғор қисми бўлган

табиатшунос олимлар томонидан табиат ва жамият тараққиётининг янги қонунлари ишлаб чиқилди. Бу эса ўз навбатида бутун ижтимоий дунёқарашнинг маълум бир даражада ўзгаришига замин яратди, инсонлар ҳаётининг турли соҳаларида ижобий ўзгаришларга олиб келди. Кейинчалик эса алломларимизнинг илмий мероси бутун дунёга тарқалиб, жаҳон цивилизациясининг бебаҳо дурдонасига айланди.

Илк Ренессанс давридаги бундай кўтарилишнинг ижтимоий-фалсафий мазмуни, унинг ижобий оқибатлари хусусида кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, ҳанузгача бу масалалар тўлиқ очиб берилмаганини қайд этиб ўтиш лозим.

Шу сабабли мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз

¹ Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент; “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. 5-б.



Ислом Каримов томонидан ўрта аср шарқ алломаларининг буюк меросини ўрганиш ва уларни тарғиб қил иш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. "...Аждодларимиз инсоният тараққиётига бемисл ҳисса қўшган цивилизацияларни юзага келтирганлар, оламшумул кашфиётлар қилганлар. Хоразмийлар, Фарғонийлар, Берунийлар, Ибн Синолар илм-фан ривожини белгилаб берган. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта олмайди.

...Хоразм Маъмун академияси кўп нарсадан далолат беради. Уни бутун дунё тан олган, у ерда не-не буюк олим ва мутафаккирлар илм-фан билан машғул бўлган. Биз мустақиллик йилларида шу академияни янги асосда қайта тиклаганимиз, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда унинг 1000 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаганимиз Ватанимизнинг янги тарихидаги унутилмас воқеалардан бири бўлди. Буларнинг ҳаммасини инobatга оладиган бўлсак, қани, айтинглар, бизнинг буюк миллат, улуғ халқ эканимизни исботлаш учун яна қандай далил керак?

Бу билан ғурурланишга, фахрланишга барчамиз ҳақлимиз, албатта. Айни пайтда аждодларимизга муносиб бўлиш, бу ҳаётда ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмасдан, олдимизга катта мақсадларни қўйиб, ғурур билан яшашимиз лозим.²

Уйғониш даври, илк Ренессанс – Марказий Осиёда IX – XII асрларда юз берган алоҳида маданий ва маърифий ривожланишнинг чўчилиши бўлган даврдир. «Ренессанс» (франц. *renaitre* –

қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ) атамаси дастлаб Италиядаги маданий – маънавий юксалиш (XIV – XVI асрлар)га нисбатан қўлланилган, уни ўрта асрчилик турғунлигидан янги даврга ўтиш босқичи деб баҳолаганлар. Биринчи маротаба «уйғониш» атамасини XVI аср италян рассоми ва тарихчиси Ж. Вазари ўз асарларида ишлатади. «Уйғониш», «уйғониш даври» атамалари XIV – XVI аср ижтимоий – иқтисодий ривожланиш моҳиятини очиқ бермасдан, кўпроқ антик давр меросини, яъни антик маданиятга ўхшаш маданиятни қайтадан «тирилиши», «уйғониши» маъносида ишлатила бошланди. Кейинчалик фанда бу атама кенг қўлланила бошланди.

Ренессанс, яъни Уйғониш фақат Европа ҳодисаси эмас. Дунё маданиятини яхлит олиб ўрганган олимларнинг ишлари шуни кўрсатдики, Осиё марказида жойлашган Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда Италияга қараганда бир неча аср олдин (IX – XII асрлар) улкан маданий кўтарилиш юз берган, илм – фан, фалсафа, адабиёт кучли ривожланиб, илғор инсонпарварлик ғоялари жамият фикрини банд этган, ақлий ва ижодий фаоллик гуркираган. Бу давр дунё илмида «Мусулмон Ренессанси» (А. Мец) ёки «Шарқ Уйғониши» (Н.И. Конрад) номи билан аталиб келинмоқда. Шарқ Уйғониш даврида Европа Уйғониш даврининг асосий белгилари мужассам: жўшқин ижодий фаолият, улкан бунёдкорлик ишларининг амалга оширилгани, ақлни ҳайратга солувчи бемисл асарларнинг яратилгани шундан далолат беради. Шарқ Уйғониш даври ҳам улуғ алломалар, қомусий

² Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон. 2015. Б. 120.



билим соҳиблари, машҳур мутафаккирларни етиштирди.

VIII асрда Араб халифалиги ҳозирда Ўрта Осиё деб аталмиш ҳудудни фатҳ этиб бўлган, босиб олинган ерларда ислом дини кенг ёйилиб, ижтимоий – иқтисодий ва маънавий ҳаёт Араб халифалиги тартиб – қоидаларига бутунлай бўйсундирилган эди. Халифалик таркибига киритилган ўлкаларда фақат ислом динигина эмас, балки араб тили ва унинг имлоси ҳам жорий этилди. Чунки, араб тили халифаликнинг давлат тили бўлса, ислом дини унинг мафкураси эди. Шу сабабли бу мамлакатларда араб тилини ўзлаштиришга интилиш кучли бўлган. Исломни қабул қилган аҳолининг араб тили билан мулоқоти, ибодат вақтларида қуръон сураларини тиловат қилишдан иборат бўлган бўлса, маҳаллий зодагонлар араб тилини халифалик маъмурлари билан яқинлашиш ва мамлакатда ўз сиёсий мавқеларини тиклаб уни мустаҳкамлашнинг гарови деб ҳисоблайдилар. Араб тилига бўлган бундай эҳтиёж ва интилиш туфайли кўп вақт ўтмай Мовароуннаҳрда хатто ўз она тилидан кўра араб тили ва ёзуви ўзлаштириб олган билимдонлар пайдо бўлди. Чегаралари борган сари кенгайиб, улканлашиб борётган халифалик учун илм аҳли сув ва ҳаводек зарур бўлиб қолди. Давлатни бошқаришда халифалик маъмурияти билимдон сиймоларга муҳтож эди. Чунки араблар орасида бу пайтда давлат ишига яроқли бўлган билимдонлар ҳам оз бўлиб, борлари ҳам заиф эди. Бу ҳол ўз навбатида араб тили

ва ёзувини Мовароуннаҳрда кенг ёйилишига имконият яратиб берди.

Араб тили ва ислом дини бўйича мукамал билим ва малакага эга бўлганлар араб халифалигининг марказий шаҳарларига бориб ўқишни одат тусига, анъанага айлантирдилар. Дамашқ, Қоҳира, Боғдод, Куфа, Басра ва бошқа шунинг сингари катта шаҳарларда Мовароуннаҳр ва Хоразмдан бориб фан, маданият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган аждодларимиз сони борган сайин кўпайиб борди. Хусусан, бу борада Боғдод шаҳри Шарқнинг илм – маърифат маркази сифатида катта аҳамият касб этди. IX асрда бу шаҳарда халифа Ҳорун ар – Рашид ҳукмронлиги даври (786 – 809)да «Байт ул – ҳикмат» ёки «Хизонат ул-ҳикмат» («Ҳикмат хонаси»)га асос солиниб, халифа Маъмун ҳукмронлиги даври (813 – 833)да «Байт ул – ҳикмат»нинг фаолияти янада ривож топган, унинг расадхонаси ва катта кутубхонаси бўлган (буюк математик Мусо Хоразмий ва астроном Аҳмад Фарғоний шу ерда ишлаган). Шарқнинг фанлар академияси ҳисобланган «**Байт – ул – Ҳикмат**» – ўзбекча асарларда «**Билимдонлар уйи**» ёки «**Донишмандлар уйи**» деб юритилади.

Шу ўринда XI асрда ташкил этилган Хоразм Маъмун академияси ҳақида тўхталиб ўтишни муҳим деб ҳисоблаймиз. X аср охири XI асрнинг бошларида ҳудди Боғдод Маъмун академияга монанд илмий марказ тузиш, фан тараққиётига хизмат қилиш, унинг самараларидан фойдаланишга интилиш анъанаси Хоразмда ҳукмронлик қилган Маъмунийлар (995-



1017) сулоласи даврида ҳам давом эттирилди ва янада юқори поғонага кўтарилди. Маълумки, 995 йилда Гурганж амири Маъмун ибн Муҳаммад Кот (305 йилда барпо этилган)ни эгаллаб, бу ердаги африғийлар сулоласига барҳам берди. У пойтахтни Котдан Гурганч (Кўҳна Урганч)га кўчириб, ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қилди (995-997). Унинг ворислари Али ибн Маъмун (997-999) ва айниқса, Маъмун ибн Маъмун (999-1017) даврида Гурганж анча кенгайиб, унда маданият ва санъат равнақ топди.

Маъмун ибн Маъмун замонасининг билимдон олимларига эътибор билан қарайди ва уларнинг илмий изланишларига кенг имкониятлар яратишга ҳаракат қилди. Бу пайтда унинг қароргоҳи – Майдонсарой Сомонийлар давлатидаги нотинчликлардан кийналган кўплаб олимлар тўпланадиган илмий марказга айланди. Шу тариқа Маъмун ибн Маъмун томонидан Гурганжда **«Дорул ҳикма ва маориф»** (баъзи бир манбаларда «Мажлиси уламо») номини олган илмий муассаса асос солинди. Шунини айтиш лозимки, тарихий манбаларда мазкур академиянинг қачон ташкил топганлиги ҳақида маълумотлар учрамайди. Бироқ олимлар илмий изланишлар орқали уни 1004 йилда ташкил топган деб айтмоқдалар. XVIII - XX аср тарихчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар бу даргоҳ ўз даврининг академияси бўлганлигини исботлади. Шу асосда унга шартли равишда **«Хоразм Маъмун Академияси»** деб ном берилди.

Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синолар раҳбарлик қилган ушбу илмий муассаса 1017 йилгача фаолият олиб борган бўлса-да, лекин у жаҳон илмий тафаккури, маданий ва маънавий тараққиётининг беназир ҳодисаси сифатида тарихда чуқур из қолдирди. Хусусан, бу академиянинг асосини қуйидаги олимлар ташкил этган: Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ (? – 1036, риёзиётчи ва фалакиётшунос олим; «Батлимуси соний» («Иккинчи Птолемей») деган фахрий ном олган; Абулхайр ибн Ҳаммор (941 – 1048, мантиқшунос; бундан ташқари табобатда ҳам жуда машҳур бўлгани учун «Буқротти соний» («Иккинчи Гиппократ») лақабига сазовор бўлган); Абу Саҳл Исо ибн Яҳъё ал-Масихий (970 – 1011, табиб; Ибн Синонинг устози); Абу Райҳон Беруний (973 – 1048); Абу Али ибн Сино (980 – 1037); Абу Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Мискавайх (1030 й. вафот этган); Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий ан-Найсабурий (961 – 1038); Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳрий (1015 й. вафот этган); Абу Али ал-Ҳасан ибн Ҳорис ал-Хубубий ал-Хоразмий (X-XI асрлар) ва бошқалар.

Абу Али ибн Сино. (980. 08, Афшона қишлоғи – 1037.18.6, Ҳамадон шаҳри, Эрон) Ибн Сино, Абу Али ал – Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал – Ҳасан ибн Али – жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўртаосиёлик буюк қомусий олим. Ғарбда Авиценна номи билан машҳур. Замондошлари Ибн Синони «Шайх ар-раис» («донишмандлар сардори, алломалар бошлиғи»); «Шараф ал-мулк» («ўлка, мамлакатнинг обрўси, шарафи»),



«хужжат ал-ҳақ» («ростликка далил»); «Ҳаким ал-вазир» («донишманд, тадбиркор вазир») деб атаганлар.

Ибн Сино Афшана (ҳозирги Бухоро вилояти Ромитон тумани худудида) қишлоғида 370 йили сафар (980 йили август) ойида туғилди. Ибн Синонинг отаси Абдуллоҳ Балх шаҳридан бўлиб, Сомонийлар амири Нух ибн Мансур (967 – 997) даврида Бухоро томонига кўчиб, Хурмайсан қишлоғига молия амалдори этиб тайинланади. У Афшона қишлоғида Ситора («Юлдуз») исмли қизга уйланиб икки ўғил фарзанд кўради. Ўғилларининг каттаси Хусайн (Ибн Сино), кенжаси Маҳмуд эди. Хусайн 5 ёшга киргач, 985 йили Ибн Синолар оиласи пойтахт – Бухорога кўчиб келади ва уни ўқишга берадилар. 10 ёшга етар – етмас Ибн Сино Қуръон ва адаб дарсларини тўла ўзлаштиради. Айни вақтда у ҳисоб ва алжабр билан ҳам шуғулланади, араб тили ва адабиётини мукаммал эгаллайди.

Ибн Синонинг илм соҳасидаги дастлабки устози Абу Абдуллоҳ Нотилий эди. Унинг тиб (табиийёт) илмида юксак маҳоратга эришишида бухоролик бошқа бир табиб Ҳасан ибн Нух ал – Қумрий (тўлиқ номи Абу Мансур ал – Ҳасан ибн Нух ал – Қумрий)нинг хизмати катта бўлди. Ибн Сино 17 ёшдаёқ, Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида танилди. Ўша кезларда ҳукмдор Нух ибн Мансур бетоб бўлиб, ёш табибни амирни даволаш учун саройга тақлиф қиладилар. Унинг муолажасидан бемор тезда соғайиб, оёққа туради. Эвазига Ибн Сино сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Шундай қилиб, Ибн Сино зарурий билимларнинг барчасини Бухорода олди. Олимнинг илмий ижоди 18 ёшидан бошланди. У Нух ибн Мансурга атаб нафсоний қувватлар ҳақида рисола, «Уржуза» тиббий шеърый асари, ўз қўшниси ва дўсти Абу-л-Хусайн ал-Арузийнинг илтимосига биноан, кўп фанларни ўз ичига олган «Ал – Ҳикмат ал – Арузий» («Арузий ҳикмати») асарини таълиф этди. Ундан ташқари, бошқа бир дўсти фақиҳ Абу Бакр ал – Барқий (ёки Барақий)нинг илтимосига кўра, 20 жилдли «Ал – Ҳосил ва-л-маҳсул» («Якун ва натижа») қомусий асари ҳамда 2 жилдли «Китоб ал – бир ва – л – исм» («Саҳоват ва жинойт китоби»)ни ёзди.

Шуни аъъкидлаш лозимки, Ибн Сино фаолият кўрсатган даврда икки сулола (Қорахонийлар ва Сомонийлар) тарих саҳнасида ҳукмронлик учун кураш олиб бормоқда эди. Мамлакатдаги бундай беқарорлик фан арбобларининг фаолиятига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмас эди. Шу боис Ибн Сино ўз юртини тарк этиб Хоразмга бош олиб кетди. Бу даврда Хоразмнинг пойтахти Гурганж (Урганч)да замонасининг кўпгина таниқли олимлари тўпланди. Йирик математик ва астроном Абу Наср ибн Ироқ (1034 йил вафот этган), атоқли табиб ва файласуфлар Абу Саҳл Масиҳий (1010 йилда вафот этган), Абу- л- Хайр Хаммор (942 – 1030) ва буюк олим Абу Райҳон Беруний шулар жумласидан. Ана шу илмий даврага 1005 йил Ибн Сино ҳам келиб қўшилди. Хоразмда Ибн Сино асосан, математика ва астрономия билан шуғулланди. Аммо олимнинг тинч ижоди бу ерда ҳам кўпга



чўзилмайди. Шарқда қудрати ортиб бораётган Ғазна қукмдори султон Маҳмуд Ғазнавий бу ўлкага кўз тикади. У, аввал, Маъмунга саройдаги бир гуруҳ олимларини Ғазнага жўнатиб юборишни сўраб хат ёзади. Бу хатга жавобан Беруний ва Абу – л – Хаммор Ғазнага кетадилар. Ибн Сино эса бу тақлифни рад этиб, Масихий билан биргаликда 1010 – 1011 йилларда яширинча Хоразмни тарк этади.

Шу вақтдан олимнинг саргардонлик йиллари бошланиб, умрининг охиригача ватандан узоқда ҳаёт кечиришга мажбур бўлади. Масихий билан Ибн Сино Журжонга – Масихийнинг ватанига йўл олдилар. Лекин йўлдаги қийинчиликлар ва сувсизлик туфайли Масихий бетоб бўлиб, вафот этади. Натижада, Ибн Сино азоб – уқубатлар чекиб, аввал, Нисо, сўнг Обивард, Тус, Шиққон ва Хуросоннинг бошқа шаҳарларида қисқа муддат турганидан кейин, ниҳоят, Каспий денгизининг жанубий – шарқда жойлашган Журжон амирлигига етиб келади. Ибн Сино Журжон (Гўргон арабча Журжон – Эрондаги шаҳар)да 1012 – 1014 йилларда яшайди, лекин шу қисқа вақт ичида унинг ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири – Абу Убайд Жузжоний билан учрашув ва бир умрга дўстлашув содир бўлади. У Ибн Синога нафақат шогирд, балки содиқ дўст ҳам эди. У Ибн Сино билан олимнинг сўнгги дамигача, 25 йил давомида бирга бўлади. Ибн Сино таржимаи ҳолининг ёзилиб қолиши, кўпгина асарларининг таърифи ва тартибга тушиши ҳамда уларнинг кейинги авлодларга

келишида Жузжонийнинг хизмати катта.

Журжондалик вақтида Ибн Сино ҳам илмий ижод билан шуғулланди, ҳам табиб сифатида фаолият кўрсатди. Бу ерда у шогирдининг илтимосига кўра, мантиқ, фалсафа ва бошқа фанларга оид бир нечта рисола ёзди ва энг муҳими «Тиб қонунлари»нинг дастлабки қисмларини яратди. 1014 йил олим Журжонни тарк этиб, Райга кўчди.

Лекин олим Райда ҳам узоқ туролмади, чунки Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг Райга ҳам хужум қилиш хавфи бор эди. Шу боис Ибн Сино Райни тарк этиб, нисбатан кучлироқ бўлган Ҳамадонга, Маждуддавланинг акаси Шамсуддавла (997 – 1021) ҳузурига кетади. Ҳукмдорни санчиқ касалидан даволаганидан кейин олимни саройга тақлиф қиладилар. У аввал сарой табиби булиб ишлайди, сўнг 1019 – 1021 йили Ҳамадонда вазирлик лавозимини ўтайди. Давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай илмий ишларини ҳам давом эттиради ва қатор асарлар яратади. «Тиб қонунлари»нинг 1 – китобини тугатиб, ўзининг машҳур фалсафий қомуси – «Китоб аш-шифо»ни ҳам шу ерда 40 ёшларда ёзишга киришади. «Тиб қонунлари»нинг қолган қисмини ҳам Ҳамадонда ёзиб битиради.

Инсон машқ қилиш, айрим одатларни эгаллаш орқали ҳар қандай мўъжизалар ярата оладиган даражадаги қудратли кучга эга. Дорбозу полвонларнинг маҳорати-ю, космонавтучувчиларнинг жасорати тинимсиз машқ натижаси эканлигини тўғри тушунтира олмасак, келажакда «Сабъаи сайёр»даги Баҳромдек ўз



маҳоратларига қандайдир
рағбатлантиришни талаб
қилишларининг гувоҳи бўламиз.³

Аммо Шамсуддавла вафт этгач, унинг ўғли янги ҳукмдор Самодавла ва унинг сарой амалдори Тож ал – Мулк билан келиша олмай ўртада низо юзага келади. Натижада ибн Сино дўстлари орасида яширниб юришга мажбур бўлади ва хатто зиндонга ташланади. Исфахон ҳукмдори Алоуддавла Ҳамадонни босиб олгач, у зиндондан (4 ой қамокда ётаган) озод қилинади. Ибн Сино Ҳамадонда 1023 йилгача истиқомат қилади. Шу йили Исфахонга жўнаб кетади. Умрининг қолган 14 йилини шу ерда ўтказди. Ибн Синонинг ташрифи муносабати билан унинг иштирокида Исфахон амири буйруғи асосида ҳукмдор саройида ҳафтанинг ҳар жума кунлари олимлар кенгаши – **«Мажлиси уламо»** йўлга қўйилади. Исфахонда ҳам у тинимсиз илмий иш билан машғул бўлиб, бир қанча асарлар яратди. Улар орасида тиб, фалсафа, аниқ фанлар, тилшунослик каби фанларга оид китоблар бор. «Китоб аш-шифо»нинг қисмлари, форс тилидаги фалсафий асари «Донишнома» («Китоб аш-шифо» асарининг қисқартирилган нусхаси бўлиб, 1031 – 39 йилларда ёзилган деб тахмин қилинади) ва 20 жилдли «Инсоф – адолат китоби» шулар жумласидан.

³ Шоира Сиддиқовна Усмонова (2022).
УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ОНГЛИ
ИНТИЗОМНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ
ТЕХНОЛОГИК ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.
Scientific progress, 3 (4), 729-735.



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент; “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. 5-б.
2. Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон. 2015. Б. 120.
3. Шоира Сиддиқовна Усмонова (2022). УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ОНГЛИ ИНТИЗОМНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ТЕХНОЛОГИК ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ. Scientific progress, 3 (4), 729-735.